

ЁШЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ИДОРАЛАРАРО СИНЕРГИЯ: ҲУҚУҚИЙ МАСЪУЛИЯТ КОНТУРИ ВА ЯГОНА ЭЛЕКТРОН МОНИТОРИНГ МЕХАНИЗМИ

Хурсандов Алишер Суюнович

©Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги Университети мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18641546>

Аннотация. Мақолада ёшлар ҳуқуқбузарликларини барвақт аниқлаш ва олдини олишда идоралараро ҳамкорликнинг таъминлаш-ҳуқуқий механизмлари тадқиқ этилган. Муаллиф томонидан ҳамкорликнинг процессуал регламенти, масъул шахсларнинг ҳисобдорлик мезонлари ва соҳани рақамлаштиришнинг аҳамияти очиб берилган. Тадқиқотда идоравий тарқоқликни бартараф этиш учун ягона рақамли интеграция платформасини яратиш ва "Кейс-менежмент" тизимини жорий этиш бўйича илмий таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: идоралараро ҳамкорлик, барвақт профилактика, регламент, ҳисобдорлик, рақамли интеграция, маълумотлар базаси, ёшлар жиноятчилиги, мониторинг.

Аннотация. В статье исследуются организационно-правовые механизмы межведомственного взаимодействия в сфере раннего выявления и предупреждения правонарушений среди молодежи. Автором раскрываются процессуальный регламент взаимодействия, критерии подотчетности должностных лиц и значимость цифровизации сферы. В исследовании выдвинуты научные предложения по созданию единой платформы цифровой интеграции и внедрению системы «Кейс-менеджмент» для устранения ведомственной разобщенности.

Ключевые слова: межведомственное взаимодействие, ранняя профилактика, регламент, подотчетность, цифровая интеграция, база данных, молодежная преступность, мониторинг.

Abstract. The article examines the organizational and legal mechanisms of interagency cooperation in the field of early detection and prevention of youth delinquency. The author reveals the procedural regulations of interaction, the criteria for the accountability of officials, and the significance of the digitalization of the field. The study puts forward scientific proposals for creating a unified digital integration platform and implementing a "Case Management" system to eliminate departmental fragmentation.

Keywords: interagency cooperation, early prevention, regulations, accountability, digital integration, database, youth crime, monitoring.

Янги Ўзбекистонда жамоат ҳавфсизлигини таъминлашнинг замонавий моделини шакллантиришда ёшлар ҳуқуқбузарликларини **барвақт профилактика қилиш** стратегик аҳамият касб этмоқда. Бироқ, амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, профилактика чораларининг самарадорлиги кўп ҳолларда алоҳида идоралар (ички ишлар, таълим, маҳалла, ёшлар агентлиги) ўртасидаги ҳамкорликнинг тизимли эмаслиги ва маълумотлар алмашинувининг сустлиги сабабли пасаймоқда.

Жиноятчиликнинг "асл омиллари"ни аниқлаш фақатгина бир идоранинг ваколати эмас, балки **кўп секторли (multisectoral)** ва мувофиқлашган ҳаракатни талаб этувчи мураккаб жараёндир.

Мазкур тадқиқотнинг марказий ғояси — ҳамкорликни шунчаки "ўзаро алоқа" даражасидан қатъий **ҳуқуқий регламент**, аниқ **ҳисобдорлик (KPI)** ва **рақамли интеграция** босқичига кўтаришдан иборат. Бугунги кунда "рақамли узилиш" муаммосини бартараф этиш, яъни турли вазирликларнинг электрон базаларини ўзаро интеграция қилиш орқали ёшларнинг "хавф профили"ни барвақт аниқлаш имконини берувчи тизимни яратиш ҳаётий заруратдир.

Сўнгги йилларда янги Ўзбекистонда профилактика тизимини институтчионал қайта қуришга қаратилган чора-тадбирлар, жумладан "*Маҳалла этилиги*" моделининг жорий этилиши, болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг қайта ташкил этилиши ва профилактика жараёнларини рақамлаштиришга оид ташаббуслар ("*E-ijtimoiy profilaktika*") мазкур соҳадаги ёндашувларнинг мазмунан янгиланишига хизмат қилди. Натижада профилактика фаолиятининг анъанавий "*реактив*" (*оқибатга жавоб қайтариш*) модели босқичма-босқич "*проактив*" (*барвақт аниқлаш ва олдин олиш*) тамойилига асосланган, маълумотларга таянувчи бошқарув усуллари билан уйғунлашган янги парадигмага ўтаётгани кузатилмоқда.

Ушбу ҳисоботда ёшлар (*шу жумладан, вояга етмаганлар*) ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида шаклланган норматив-ҳуқуқий базага таянган ҳолда, идоралараро ҳамкорликнинг **институционал-ҳуқуқий модели** комплекс равишда ёритилади. Хусусан, соҳавий муносабатларнинг базавий ҳуқуқий пойдевори сифатида Ўзбекистон Республикасининг "*Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида*"ги Қонуни нормалари таҳлил қилиниб, унда белгиланган профилактика субъектлари тизими, уларнинг ўзаро мувофиқлашуви, профилактик таъсир чораларининг йўналишлари ҳамда ҳимоя механизмига оид қоидалар норматив таҳлил объекти сифатида қаралади¹.

Шу билан бирга, "*маҳаллабай*" бошқарув ва профилактика тамойилларини институционал жиҳатдан мустаҳкамлаган Президентнинг "*Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишида биринчи бўлин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида*"ги ПФ-209-сон Фармони асосида маҳалладаги масъул субъектлар ўртасида ҳамкорликни ташкил этиш, ваколатларнинг функционал тақсимооти ва амалиётдаги ижро интизомини таъминлаш механизмлари очиқ берилади². Болалар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда давлат органлари ҳамда ҳудудий комиссияларнинг мувофиқлаштирувчи функцияларини қайта форматлаган "*Болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*"ги ПФ-201-сон Фармон қоидалари эса, профилактикада *вертикал* (идоралараро) бошқарув ва ҳисобдорлик *контурини* шакллантириш нуқтаи назаридан таҳлил қилинади³. Шунингдек, маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш ва профилактик таъсир чораларини манзилли ташкил этишга

¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида" (2010 йил 29 сентябрь, ЎРҚ-263-сон) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси (Lex.uz) // <https://lex.uz/docs/168572>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони "*Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишида биринчи бўлин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида*" (2023 йил 21 декабрь, ПФ-209-сон) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси (Lex.uz) // <https://lex.uz/uz/docs/6705763>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони "*Болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*" (2024 йил 2 декабрь, ПФ-201-сон) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://www.lex.uz/docs/7246177>

қаратилган “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизими самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-163-сон Фармон нормалари доирасида эса, “эрта аниқлаш—манзилли интервенция—реабилитация” занжирида субъектлар ўртасидаги вазифалар чегараси ҳамда натижа учун шахсий масъулиятни белгилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди⁴.

Қолаверса, қонуности ҳужжатлар тизимида ахборот алмашинуви ва қарорларни ижрога йўналтиришнинг рақамли механизмларини жорий этган Вазирлар Маҳкамасининг “Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 801-сон қарори ва унда назарда тутилган “E-ijtimoiy profilaktika” ахборот тизими орқали ҳамкорликни институционаллаштириш йўналиши ҳам таҳлил қилинади⁵. Мазкур асосда профилактика субъектларининг вазифа–ваколат–жавобгарлик триадаси яъни, а) вазифаларнинг қонуний мазмуни; б) ваколатларни амалга оширишнинг таъкилий–ҳуқуқий воситалари; в) мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик билан боғлиқ ҳуқуқий оқибатлар (интизомий, маъмурий ва бошқа юридик жавобгарлик чораларини қўллаш учун асослар) илмий–ҳуқуқий мезонлар асосида чуқур тадқиқ этилади.

Шу ўринда, профилактика тизимининг ҳақиқий самарадорлиги, энг аввало, унинг институционал тузилишига — ваколатли субъектлар ўртасидаги функционал боғлиқлик, ваколатлар тақсимотининг аниқлиги ва умумий мақсадга йўналтирилган “яхлит бошқарув контури” мавжудлигига боғлиқдир. Бугунги кунда янги Ўзбекистон амалиётида эса узок йиллар мобайнида профилактика фаолиятининг институционал механизми муайян даражада парчаланган ҳолда шаклланиб, соҳадаги чора-тадбирлар кўпинча алоҳида идораларнинг ички режа ва идоравий манфаатлари доирасида чекланган, ўзаро мувофиқлашув ва жавобгарликнинг ягона стандарти етарли даражада таъминланмаган эди. Натижада профилактикада “бир мақсад — турли ижрочилар” тамойилидан кўра, “турли вазифалар — турли идоралар” кўриниши устун келиб, тизимли таъсирчанлик пасайишига олиб келган.

Бироқ Янги Ўзбекистон стратегияси доирасида давлат бошқаруви ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида “Инсон қадри учун” тамойилининг устуворлиги профилактика сиёсатини мазмунан қайта форматлашга туртки берди. Хусусан, марказлаштирилган бюрократик бошқарувга таянадиган “реактив” ёндашув босқичма-босқич аҳоли эҳтиёжларига яқин, ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олувчи ва барвақт интервенцияга йўналтирилган “маҳаллабай” ишлаш модели билан алмаштирилмоқда.

Мазкур трансформация профилактика субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини маҳалла даражасида институционаллаштириш, ваколатлар ва масъулиятни натижага йўналтирилган тарзда қайта тақсимлаш, аҳоли билан бевосита мулоқот ва манзилли профилактик таъсир чораларини кучайтириш учун янги имкониятлар яратди. Шу маънода, юқорида қайд этилган норматив–ҳуқуқий асослар ва амалий механизмлар билан уйғун равишда, “маҳаллабай” ёндашув профилактика тизимининг функционал

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизими самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” (2025 йил 10 сентябрь, ПФ–163-сон) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/docs/7723129>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ““Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” (2024 йил 30 ноябрь, 801-сон) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/docs/7243832>

яхлитлигини таъминлашга хизмат қиладиган муҳим институционал омил сифатида намоён бўлади.

Бугунги кунда қонунчилик асослари таҳлили шуни кўрсатадики, ёшлар (вояга етмаганлар) ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасида идоралараро ҳамкорлик *назарий жиҳатдан зарур, ҳуқуқий жиҳатдан эса нормалаштирилган* институционал жараёндир. Хусусан, 2010 йилги махсус Қонун профилактика тизимининг субъектлар таркибини ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини *“органлар ҳамда муассасалар тизими”* сифатида белгилаб, мазкур тизимга болалар масалалари бўйича комиссиялар, ички ишлар органлари, таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари, васийлик ва ҳомийлик органлари, соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларини киритади⁶. Шу билан бирга, Қонун профилактика соҳасидаги *юридик масъулият контурини* ҳам назарда тутиб, қонунчиликни бузганлик учун айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлишини мустаҳкамлайди⁷.

Бироқ амалиётда мазкур норматив конструкция узоқ вақт давомида тўлиқ ишламагани, *“ҳамкорлик”* кўпинча *формал-идоравий* йўсинда қолиб, ахборот алмашинуви, биргаликда қарор қабул қилиш, ресурсларни интеграция қилиш ва натижа учун ҳисобдорлик каби функционал механизмлар етарлича институционаллашмагани кузатилган. Мазкур ҳолат профилактиканинг комплекс табиати (*оилавий муҳит, таълим, бандлик, саломатлик, психологик омиллар*) билан бевосита тўқнаш келиб, бир идоранинг ваколати ва ресурси доирасида барқарор натижага эришиш имкониятини чеклаган.

Сўнгги йилларда эса ислохотлар мантиқи идоралараро ҳамкорликни *“вертикал бўйруқбозлик”* схемасидан *“горизонтал мувофиқлашув”* моделига, айниқса маҳалла даражасидаги ҳамкорликка яқинлаштиришга қаратилмоқда. Жумладан, *“Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишида биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”* ПФ-209-сон Фармонида *“маҳаллабай ишлаш”*га масъул шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш мақсадлари очик ифодаланиб, маҳалла институтининг аҳоли муаммоларини ҳал этишида *“биринчи бўлин”* сифатидаги роли кучайтирилади⁸. Бу, ўз навбатида, профилактика субъектларининг вазифа ва ваколатларини ҳудудий даражада қайта боғлаш, натижага йўналтирилган бошқарув ва ижро интизомини маҳалла тизими орқали мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, болалар масалалари бўйича комиссиялар институтини такомиллаштиришга доир *“Болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги ПФ-201-сон Фармон комиссиялар доирасида вазифалар тақсмотини аниқлаштириш орқали мувофиқлаштириш функциясини кучайтиришга қаратилган бўлиб, ишчи органлар ўртасидаги вазифалар тақсмоти тегишли комиссия раиси томонидан белгиланиши қайд

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни *“Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”* (29.09.2010 й., ЎРҚ-263-сон), **8-модда** // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/uz/docs/1685726>

⁷ Ўша Қонуннинг **34-модда** // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/uz/docs/1685726>

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони *“Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишида биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”* (21.12.2023 й., ПФ-209-сон) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/uz/docs/6705763>

этилади⁹. Бу эса ҳамкорликнинг “*меъёрий маркази*”ни — яъни ким нима учун жавоб бериши, қандай қарор қабул қилиниши ва ижро назорати қандай юритилишини белгилаш нуктаи назаридан муҳим аҳамиятга эга.

Нихоят, “*маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш*” тизимини ислоҳ қилишга қаратилган “*Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизими самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида*”ги ПФ-163-сон Фармонда ёшлар етакчилари зиммасига асосий вазифаларга боғлиқ бўлмаган топшириқларни юклаш тақиқланиши каби қоида орқали функцияларни “*сунъий кенгайтириш*” амалиёти чекланади¹⁰. Бу норма идоралараро ҳамкорликдаги энг оғриқли масалалардан бири — *ваколатлар чегарасининг ноаниқлиги ва масъулиятнинг тарқоқлигини* қисқартиришга қаратилган институционал кафолат сифатида талқин этилади.

Шунингдек, мазкур параграфда идоралараро ҳамкорлик институти илмий-ҳуқуқий нуктаи назардан тизимли тарзда таҳлил этилади: *биринчидан*, унинг норматив пойдевори (ҳамкорлик субъектлари таркиби, ваколатлар чегараланиши ва ҳуқуқий жавобгарлик механизмлари); *иккинчидан*, ташкилий-амалий ишлаш тартиби (мувофиқлаштириш шакллари, ахборот алмашинуви регламенти, қўшма қарор қабул қилиш ва ижро назорати инструментлари); *учинчидан эса*, натижага йўналтирилган ҳисобдорлик архитектураси (персонал ҳамда институционал масъулиятни белгилаш ва баҳолаш мезонлари) кесимида ёритилади.

Вояга етмаганлар (ёшлар) ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасидаги институционал самарадорлик, аввало, субъектлар тизимининг *меъёрий жиҳатдан аниқ белгиланган таркиби* ва мазкур субъектлар ўртасидаги *функционал тақсимот* даражаси билан белгиланади. Амалдаги қонунчиликка кўра, профилактикани амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимига: *болалар масалалари бўйича комиссиялар, ички ишлар органлари, таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари, васийлик ва ҳомийлик органлари, соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, меҳнат органлари*, шунингдек, *Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари* киради¹¹.

Бироқ мазкур рўйхат “*ёпиқ*” бўлмаганлиги сабабли қонун нормасининг 8-моддаси биринчи қисмида санаб ўтилмаган бошқа органлар ва муассасалар ҳам профилактика жараёнида *қонунчиликда белгиланган тартибда иштирок этиши мумкин*¹². Шу маънода, профилактиканинг ижтимоий табиати уни фақат давлат органларининг маъмурий фаолияти билан чеклаб қўймасдан, балки, фуқаролик жамияти институтлари иштирокини ҳам талаб этади. Хусусан, қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат ноғижорат ташкилотларнинг профилактика субъектлари билан *ҳамкорликда* иш

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “*Болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*” (02.12.2024 й., ПФ-201-сон) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси <https://lex.uz/docs/7246177>

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “*Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизими самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида*” (10.09.2025 й., ПФ-163-сон) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси <https://lex.uz/docs/7723129>

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг “*Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида*”ги Қонуни (29.09.2010 й., ЎРҚ-263), 8-модда // <https://lex.uz/docs/1685726>

¹² Ўша қонуннинг 8-моддаси иккинчи қисмида рўйхатдан ташқари субъектларнинг иштирок этиши қонуний тартибда назарда тутилади // <https://lex.uz/docs/1685726>

олиб бориши, тарбиявий ва реабилитацион вазифаларда иштирок этиши алоҳида қайд этилган¹³.

Сўнгги йиллардаги ислохотлар натижасида мазкур субъектлар тизими қўйи бўғинда интеграциялашган бошқарув модели билан тўлдирилди. Жумладан, Президент фармонида маҳалла даражасида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган “маҳалла еттилиги” институти назарда тутилиб, унинг таркибига маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторидан иборат экани белгиланди¹⁴. Мазкур ёндашув амалиётда профилактика субъектлари фаолиятини “бир нуқтада” мувофиқлаштириш, ҳисобот ва ижро интизомини маҳалла даражасида кучайтиришга қаратилган бўлиб, маҳалла раиси томонидан тегишли мутахассислар фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш механизми ҳам мустаҳкамланган¹⁵.

Шунингдек, ёшлар ҳукукбузарликлари профилактикасини ташкил этишдаги замонавий институционал тенденция — ҳамкорликни “идоралараро вертикал” бошқарувдан аҳолига энг яқин ҳудудий бўғинга тушириш, яъни қарор қабул қилиш ва ижрони маҳалла даражасида интеграциялаштиришдан иборатдир. Ушбу ёндашув Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармони билан маҳаллаларда жамоатчилик асосида фаолият юритадиган “маҳалла еттилиги” институти жорий этилиши орқали институционал жиҳатдан мустаҳкамланди¹⁶.

Мазкур механизмнинг назарий-ҳуқуқий моҳияти шундаки, “маҳалла еттилиги” маҳалла ҳудудида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-тарбиявий ва ҳуқуқий профилактика вазифаларини бир вақтнинг ўзида мувофиқлаштириш имконини беради. Шу тариқа, профилактика субъектлари ўртасидаги ахборот алмашинуви, вазифалар тақсимооти ва натижа учун ҳисобдорлик “бир нуқтада” жамланиб, амалиётдаги такрорлаш ва институционал парчаланиш хавфи қисқаради. Шу ўринда, бугунги кунда янги Ўзбекистон маҳалла ҳудудларида фаолият юритаётган маҳалла еттилигининг асосий вазифалар тақсимоотида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишида биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сон Фармонига кўра маҳалла еттилиги субъектларининг маҳалла даражасидаги вазифаларини функционал жиҳатдан ажратиб, ҳар бирининг масъулиятини йўналтирилган компетенция доирасида белгиланган¹⁷.

Хусусан, институционал бошқарув нуқтаи назаридан, маҳалла раиси “еттилик” аъзолари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва ижро интизомини таъминловчи асосий боғин сифатида намоён бўлади. Шунингдек, у ҳар ҳафтада тегишли масъуллар ҳисоботини эшитиши ва ҳар бирининг ҳар ойда камида 10 тадан муаммоли масалаларни ҳал этишини назоратга олиши белгиланган. Бу қоида профилактикада “шахсий масъулият – ижро - назорат” занжирини маҳалла даражасида институционаллаштиришга хизмат

¹³ Ўша қонуннинг 19-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ННТларнинг профилактикада иштироки ва ҳамкорлиги ёритилган // <https://lex.uz/docs/-1685726>

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишида биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида” (21.12.2023 й., ПФ-209-сон) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси <https://lex.uz/uz/docs/6705763>

¹⁵ Ўша фармон (ПФ-209)да айнан маҳалла раиси томонидан маҳалладаги масъул мутахассислар фаолиятига умумий раҳбарлик ва ҳисобот механизми қатъий белгиланган.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси // <https://lex.uz/uz/docs/6705763>

¹⁷ Ўша фармоннинг иккинчи банди // <https://lex.uz/uz/docs/6705763>

килади. Шунингдек, ижтимоий ёрдамлар ва субсидияларни ажратиш масаласида “дафтарлар” (жумладан, “Ёшлар дафтари”) бўйича қарорларни коллегиял тартибда қабул қилиш механизми жорий этилгани ҳам “еттилик”нинг интеграторлик функциясини кучайтиради. Хусусан, ижтимоий ёрдам ва субсидиялар ажратиш “маҳалла еттилиги”нинг коллегиял қарорлари асосида амалга оширилиши, ҳужжатларни шакллантириш ва киритишда айрим аъзоларнинг (шу жумладан, ёшлар етакчисининг) алоҳида иштироки кўрсатиб ўтилган¹⁸.

Бундан ташқари, бугунги кунда маҳалла еттилиги таркибида ёшлар етакчисининг институционал роли жуда муҳимдир. Хусусан, ёшлар муҳитидаги риск омилларини барвақт аниқлаш, ижтимоий интеграция ва реабилитация чораларини ишга тушириш орқали ижтимоий профилактиканинг драйвери сифатида намоён бўлади. Шу ўринда, “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишида биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сон Фармоннинг илова қисмида ёшлар етакчисининг асосий вазифаларига қуйидагилар киритилган. Буларга: ёшларнинг шахсий ривожланишига йўналтирилган тадбирларни таъкил этиш; “Беш ташаббус олимпиадаси”ни кенг тарғиб қилиш; ёшлар бандлигига кўмаклашиш ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга кўрсатиладиган ёрдамнинг ижтимоий ҳамкорлик тамойилига асосланишини таъминлаш кабилар белгиланган¹⁹.

Ёшлар билан ишлашда ахборотга таянадиган бошқарув (*data-driven governance*) элементлари сифатида “Ёшлар баланси” концепцияси ҳам назарий-амалий аҳамият касб этади. Хусусан, ёшларни қўллаб-қувватлаш тизими “Ёшлар баланси” асосида йўлга қўйилиши, зарур маълумотлар “Электрон ҳукумат” идоралараро интеграция платформаси орқали интеграция қилиниши белгиланган²⁰. Бу ёндашув ёшлар етакчиси фаолиятида “хавф гуруҳи”ни аниқлаш, манзилли чораларни режалаштириш ва натижани мониторинг қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Сўнгги босқичда ёшлар етакчилари институтининг функционал мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим кафолат сифатида — ёшлар етакчилари зиммасига асосий вазифаларга боғлиқ бўлмаган бошқа вазифа ва топшириқларни юклаш тақиқлангани алоҳида қайд этилади²¹. Мазкур чеклов амалий жиҳатдан ёшлар етакчисининг “профилактика—тарбия—реабилитация” йўналишларига ресурс ва вақтни максимал йўналтиришини таъминлайди.

Шунингдек, янги Ўзбекистонда ёшлар ҳуқуқбузарликларига қарши курашишда “маҳалла еттилиги” доирасидаги энг муҳим функционал тандем — профилактика инспектори ва ёшлар етакчисининг мувофиқлашган фаолиятидир. Жумладан, “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишида биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сон Фармонда профилактика инспекторига маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз муҳитни

¹⁸ Ўша фармоннинг бешинчи банди 2-хатбоши // <https://lex.uz/uz/docs/6705763>

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармонида 3-ИЛОВА (Ёшлар етакчисининг асосий вазифалари) // <https://lex.uz/uz/docs/6705763>

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, ПК-114-сон Қарори “Маъмурий ислохотлар доирасида ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида давлат бошқарувини самарали таъкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” // <https://lex.uz/docs/6426456>

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-163-сон Фармони “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизими самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” // <https://lex.uz/ru/docs/7723129>

таъминлаш вазифалари юклатилган бўлса, ёшлар етакчисининг вазифалари эса ёшлар муҳитида ижтимоий профилактика ва бандликка қўмаклашиш, тарбиявий-меъёрий тадбирларни ташкил этиш билан боғлиқ қилиб белгиланган. Шу асосда, ушбу икки субъектнинг ҳамкорлиги “*ҳуқуқий таъсир*” (огоҳлантириш, профилактик назорат, ҳуқуқий тушунтириш) ҳамда “*ижтимоий таъсир*” (таълим/касб/бандликка йўналтириш, тўғарак ва лойиҳаларга жалб қилиш, реабилитация) механизмларини бирлаштирувчи тизимли модель сифатида талқин этилади.

Шу билан бирга, “*дафтарлар*” орқали ёрдам ажратишда коллегиал қарор қабул қилиш тартиби амалда мазкур тандемни институционал жиҳатдан қўллаб-қувватлайди: ёшлар етакчиси “*Ёшлар дафтари*” бўйича ҳужжатларни тайёрлаш ва киритишда иштирок этар экан, қарор қабул қилиш “еттилик”нинг коллегиал тартибида ҳал этилади. Бу эса яқка тартибдаги профилактика чораларининг ижтимоий кафолатлар билан уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фаолият йўналиши	Профилактика инспектори (Ҳуқуқий назорат)	Ёшлар етакчиси (Ижтимоий интеграция)	Ҳамкорлик натижаси
Ҳисобга олиш	Ҳуқуқбузарлик содир этган ёшларни ИИО ҳисобига олиш ва назорат қилиш.	Ҳисобдаги ёшларни “ <i>Ёшлар дафтари</i> ” ёки “ <i>Ёшлар баланси</i> ”да алоҳида тоифага ажратиш.	Ягона ва аниқ маълумотлар базаси, назоратдан четда қолган ёшларнинг йўқлиги.
Профилактика	Маъмурий ва жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантириш, тунги рейдлар.	Бўш вақтни мазмунли ташкил этиш, спорт ва тўғаракларга жалб қилиш.	Жазолаш қўркуви ва ижтимоий фаоллик уйғунлиги орқали қайта жиноятнинг олдини олиш.
Муаммони ҳал этиш	Жиноят сабабларини ҳуқуқий баҳолаш (оилавий зўравонлик ва ҳ.к.).	Жиноят сабабларини ижтимоий баҳолаш (ишсизлик, пулсизлик) ва ёрдам кўрсатиш.	Жиноятчилик детерминантларини (сабабларини) комплекс бартараф этиш.
Мониторинг	“ <i>E-ijtimoiy profilaktika</i> ” тизимида маълумот киритиш.	“ <i>Yoshlar portali</i> ” орқали амалга оширилган ижтимоий ёрдамни қайд этиш.	Рақамли шаффофлик ва фаолиятнинг дубляж бўлишини олдини олиш.

Бундан ташқари, яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда профилактика тизимида маҳалла даражасидаги оператив интеграция барқарор натижа бериши учун юқори бошқарув бўғинида *стратегик мувофиқлаштириш, ресурсларни сафарбар этиш ва ягона сиёсат контурини таъминлаш* механизми талаб этилади. Мазкур

вазифани болалар ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш соҳасида давлат органлари фаолиятини уйғунлаштирувчи Болалар масалалари бўйича комиссиялар институти бажаради. Ушбу институт Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 декабрдаги “Болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-201-сон Фармони билан тубдан ислох қилиниб, комиссияларнинг ташкил этилиши ва фаолиятида *тармоқлараро (intersectoral) ёндашув* ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди²².

Илмий-ҳуқуқий нуқтаи назардан, комиссиялар институтидаги янгиланишнинг асосий мазмуни “*оқибатга жавоб*” деб номланган қоидага йўналтирилган тор маъмурий амалиётдан болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган профилактик – реабилитацион бошқарувга ўтиш билан ифодаланади. “Болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-201-сон Фармонда комиссияларнинг миллий, ҳудудий ва туман (шаҳар) даражасидаги янгиланган намунавий таркиблари тасдиқланиши комиссия фаолиятида қарор қабул қилишнинг баланслилигини таъминлашга қаратилган институтчионал кафолат сифатида намоён бўлади²³. Шунингдек, Фармонда комиссиялар фаолиятини ташкил этишда ишчи органлар (котибият) институтини кучайтириш ва котибиятнинг ички вазифалар тақсимотини комиссия раиси белгилаши каби қоидаларнинг мустаҳкамланиши, амалда, қарорлар лойиҳасини тайёрлаш–ижро мониторинги–идоралар кесимида ҳисобдорлик занжирини аниқлаштиришга хизмат қилади. Бу ўз навбатида, профилактика субъектлари ўртасидаги “*масъулиятнинг тарқоқлиги*” ва “*қарорнинг ижрога айланмаслиги*” каби институтионал муаммоларни қисқартиришга қаратилган ҳуқуқий механизм сифатида баҳоланади.

Бундан ташқари, “Болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонга мувофиқ, комиссиялар профилактика соҳасида биринчи навбатда мувофиқлаштириш, назорат-мониторинг ва муаммони ҳал этишга йўналтирувчи қарор қабул қилиш функцияларини амалга оширади²⁴. Комиссиялар давлат органлари ва ташкилотлари томонидан болалар ҳуқуқларини таъминлашга доир тақлифларни мажбурий тартибда кўриб чиқишини белгилаш орқали ҳамкорликни декларатив эмас, институтионал мажбурият даражасига кўтаради. Шу маънода, комиссия “*жазоловчи орган*” эмас, балки “*йўналтирувчи ва ресурсларни мувофиқлаштирувчи штаб*” сифатида намоён бўлади. Шунингдек, маҳалла даражасида кўтарилган муаммоларни туман/вилоят миқёсида ҳал этиш учун зарур ташкилий қарорлар ва ижтимоий хизматлар пакетини сафарбар қилиш имконияти айнан шу босқичда шаклланади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда рақамли ҳамкорликнинг тўлиқ ишлаши маълумотлар платформалари интеграциясига боғлиқ. Бу нуқтаи назардан, маъмурий ишларни электрон шаклда юритиш “*E-ma'muriy ish*” тизими орқали амалга оширилиши ҳуқуқий жиҳатдан белгиланган²⁵.

²² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 02.12.2024 й., ПФ-201-сон “Болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” // <https://lex.uz/ru/docs/7246177>

²³

²⁴ <https://lex.uz/ru/docs/7246177>

²⁵ Вазирлар Маҳкамасининг 08.07.2021 йилдаги “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг электрон тизимини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар

Профилактика амалиётида бундай интеграция ҳуқуқбузарлик ва риск сигналлари ҳақида маълумотларни тезкор қайд этиш, манзилли ижтимоий профилактика чораларини ўз вақтида режалаштириш ҳамда ижро назоратини кучайтириш учун технологик-ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилади.

Бундан ташқари, идоралараро ҳамкорликда ваколатларнинг аниқ тақсимои қанчалик муҳим бўлса, вазифалар бажарилмаган тақдирда ҳуқуқий оқибатларнинг муқаррарлиги ҳам шунчалик ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу боис, профилактика архитектурасида *“вазифа–ваколат–жавобгарлик”* триадаси алоҳида таҳлил қилинади.

Ушбу умумий қоида вояга етмаганлар профилактикаси тўғрисидаги махсус Қонуннинг мақсадий конструкцияси билан ҳам уйғун: қонун соҳадаги муносабатларни тартибга солишни ва субъектлар ҳамкорлигини таъминлашни кўзда тутди²⁶.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, профилактика соҳасида мансабдор шахснинг ўз вазифасига лоқайд муносабати натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки давлат-жамоат манфаатларига катта зарар етказилса, Жиноят кодексининг 207-моддаси (*“мансабга совуққонлик билан қараш”*) доирасида жиноий-ҳуқуқий баҳолаш масаласи юзага келиши мумкин²⁷. Бу норма профилактика тизимида *“ҳисобдорлик”*ни фақат ташкилий талаб эмас, балки муайян ҳолларда юридик оқибатларни келтириб чиқарувчи кафолат сифатида мустаҳкамлайди. Шу билан бирга, хизмат фаолияти доирасида сусткашлик ва ижро интизомини бузиш ҳолатларига нисбатан интизомий чоралар қўлланиши ҳам амалий бошқарув инструментларидан ҳисобланади.

Бундан ташқари, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигини барвақт профилактика қилишда оиланинг масъулияти бирламчи бўлиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган²⁸. Демак, профилактика тизими фақат давлат субъектларининг фаолияти билан чекланмасдан, ота-онанинг ҳуқуқий масъулияти орқали ҳам қўллаб-қувватланади. Шунингдек, ислохотлар мантиғида масъулият механизми фақат жазо чоралари билан эмас, балки натижага йўналтирилган баҳолаш (KPI), рағбатлантириш ва жамоатчилик олдида ҳисобдорлик воситалари билан уйғунлаштирилади. Хусусан, ПФ-209-сон Фармон маҳалла даражасида вазифаларнинг тақсимои, мувофиқлаштириш ва ижро интизомини кучайтириш орқали профилактика субъектларининг амалий натижадорлигини оширишни кўзлайди²⁹. Бундан ташқари, Президент Ш.Мирзиёевнинг *“Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизими самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”*ги ПФ-163-сон Фармон эса маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш доирасида ёшлар етакчиларининг фаолиятини тўғридан-тўғри мақсадли вазифаларга йўналтиришга хизмат

ҳақида”ги 431-сон Қарорида *“Е-та’мурий иш”* тизими орқали электрон иш юритишга оид қоидалар // <https://lex.uz/docs/5500086>

²⁶ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 29.09.2010 й., ЎРҚ-263-сон *“Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”* // <https://lex.uz/uz/docs/1685726>

²⁷ <https://www.lex.uz/acts/111453>

²⁸ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, 47-модда (болаларни тарбиялаш ва таълим бериш мажбуриятларини бажармаслик) // <https://lex.uz/docs/-97664>

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 21.12.2023 й., *“Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”*ги ПФ-209-сон (*“Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш...”*) // <https://lex.uz/uz/docs/6705763>

киладиган қоидаларни белгилайди, шу жумладан уларга вазифасига доир бўлмаган топшириқларни юклашни чеклаш орқали функционал самарадорликни оширади³⁰.

Шу ўринда, ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда замонавий криминология ва ҳуқуқ социологиясида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хусусан, ёшлар ўртасида (вояга етмаганлар) девиант ҳуқ-атвор профилактикаси *мураккаб ижтимоий тизим* сифатида қаралади. Хусусан, жаҳон илмий ҳамжамияти вакилларида бўлган *Т. Парсонснинг “Структурал функционализм”* назариясига кўра, жамиятнинг барқарорлиги унинг институтлари (*оила, таълим, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари*) ўртасидаги функционал мувозанатга боғлиқлир³¹. Ушбу назарияга асосланиб айтиш мумкинки, ёшлар жиноятчилигига қарши курашда бирорта идоранинг яқка ҳолдаги ҳаракати кутилган самарани бермайди. Буни *Н. Луманнинг “Тизимлар назарияси”* ҳам тасдиқлайди. Мазкур назарияга кўра идоралараро коммуникациянинг йўқлиги ёки заифлиги тизимда “*функционал бўшлиқ*”ларни (functional gaps) юзага келтиради, натижада ёшлар назоратсиз қолади³². Шунингдек, криминолог *Т. Хиришининг “Ижтимоий назорат” (Social Bonds Theory)* назарияси Ўзбекистон шароити учун методологик аҳамиятга эга.

Унга кўра, шахсни жиноятдан тўсиб турувчи омиллар — бу жамият институтлари (*оила, маҳалла, ўқув юрти*) билан боғлиқликдир. Агар ушбу институтлар ўртасида “*узилиш*” содир бўлса, ўсмирда антисоциал ҳуқ шаклланади³³.

Шунингдек, Ўзбекистон криминология мактаби намояндаларининг илмий назарий қарашларига назар ташласак! Хусусан, *З.С. Зарипов* ва *И. Исмоиловлар* таъкидлаганидек, *ҳуқуқбузарликлар профилактикаси* — бу тарқоқ чора-тадбирлар йиғиндиси эмас, балки “аниқ мақсадга йўналтирилган, субъектлар ўртасида вазифалари қатъий тақсимланган ва ўзаро алоқадорликка асосланган яхлит тизим”дир³⁴. Олимларнинг фикрича, ҳамкорликдаги асосий нуқсон — бу идораларнинг ўз ваколат доирасида “*ўралашиб қолиши*” (ведомственная разобщенность) бўлиб, бу ҳолат профилактик таъсир кучини сусайтиради. Ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганишда профессор *Қ.Р. Абдурасулованинг* илмий қарашлари муҳим аҳамиятга эга.

Олима ўзининг тадқиқотларида вояга етмаганлар жиноятчилигининг асосий омили сифатида “микромухитдаги носоғлом муносабатлар”ни кўрсатади³⁵. Шунингдек у, идоралар (Мактаб, ИИБ, Маҳалла) ҳамкорлиги мавҳум “*ёшлар*” билан эмас, балки аниқ “*хавф гуруҳи*”га кирувчи шахс ва унинг оиласи билан ишлашга қаратилиши лозимлигига алоҳида урғу деради ҳамда вазифалар тақсимотини қуйидагиларга: 1) *таълим муассасаси* (*ҳуқ-атвордаги илк оғишларни диагностика қилиш*); 2) *ички ишлар органлари* (*ҳуқуқий тушунтириш ва огоҳлантириш*); 3) *маҳалла ва оила* (*ижтимоий назорат ва маънавий қўллаб-қувватлаш*) бўлиш кераклигига алоҳида урғу беради. *М.Х. Рустамбоевнинг* назариясига кўра, ҳамкорлик жараёнида “*ваколатлар диффузияси*” (масъулиятнинг тарқалиб кетиши) юз бермаслиги керак. Агар мактаб ўқувчиси жиноят

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.Мирзиёевнинг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизими самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-163-сон Фармони // <https://lex.uz/uz/docs/7723129>

³¹ Parsons T. The Social System. – New York: Free Press, 1951. – P. 24-26.

³² Luhmann N. Social Systems. – Stanford: Stanford University Press, 1995. – P. 43.

³³ Hirschi T. Causes of Delinquency. – Berkeley: University of California Press, 1969. – P. 97-98.

³⁴ Зарипов З.С., Исмоилов И. Криминология: Умумий ва махсус қисмлар. Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2008. – Б. 145-147.

³⁵ Абдурасулова Қ.Р. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва олдини олиш муаммолари: Монография. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2016. – Б. 88-92.

содир этса, бу факат ИИБнинг эмас, балки таълим ва тарбия тизимининг ҳам функционал нуқсон сифатида баҳоланиши лозим дейди³⁶. Профессор *Ҳ.Т. Одилқориев* фикрича, “*ҳамкорликдаги жавобгарлик*” мавҳум тушунча бўлиб қолмаслиги учун, у *персоналлаштирилган* (шахсийлаштирилган) бўлиши шарт. Яъни, *хавф гуруҳидаги ўсмир ҳақида психолог инспекторга ўз вақтида хабар бердими? Инспектор оилага бориб вазиятни ўргандими? Агар занжирнинг бир халқаси узилган бўлса, ўша аниқ ходим жавобгар бўлиши керак?* деган илмий қарашларни илгари сурган³⁷. Шу ўринда, мамлакатимизда криминология фанинг асосчиларидан бири бўлган профессор *З. Зариповнинг* “миллий ҳуқуқшуносликда идоралараро ҳамкорлик — профилактика тизимининг “*қон томири*” сифатида баҳолаши жуда ўринлидир³⁸.

Тадқиқот давомида амалдаги қонунчилик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг комплекс таҳлили шуни кўрсатдики, ёшлар (вояга етмаганлар) ўртасида ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишда идоралараро ҳамкорлик институти *меъёрий жиҳатдан белгиланган бўлса-да*, унинг *процессуал, ҳисобдорлик ва рақамли инфратузилма* компонентлари етарли даражада институционаллашмаган. Бу ҳолат ижро амалиётида ҳамкорликнинг барқарор алгоритмлари шаклланмаслигига, маълумот алмашинувининг узилишига ва масъулиятнинг “*сочилиб кетиши*”га олиб келмоқда. Ушбу муаммоларни тизимли тарзда учта йўналишда ифодалаш мумкин.

Биринчидан, ҳамкорликнинг процессуал механизмидаги мавҳумлик билан боғлиқ муаммо!

Амалдаги “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”ги Қонунда профилактика субъектларининг умумий ваколатларини белгилайди, айрим нормаларда “*ўзаро ҳамкорлик қилиш*” вазифаси қайд этилади³⁹. Бироқ ҳуқуқий тартибга солиш “*ким нима қилади?*” саволига жавоб бергани ҳолда, “*қай тартибда, қайси муддатда, қайси канал орқали, қандай ҳужжат асосида?*” деган процессуал саволларга ягона ва мажбурий жавоб бермайди. Натижада ҳар бир идора (таълим муассасаси, ИИБ, маҳалла, ижтимоий хизмат) ўзининг ички йўриқномаси ёки ҳолатдан келиб чиқиб ҳаракат қилади; бу эса ахборот кечикиши, дубликаж ва риск гуруҳидаги ёшларнинг назоратдан четда қолиши эҳтимолини оширади.

Бу ҳолатни тизим назарияси нуқтаи назаридан изоҳласак, коммуникациянинг умумий “*протоколи*” йўқлиги идоралар ўртасида “*коммуникатив ёпиқлик*” (институционал автопоэзис) хавфини кучайтиради. Шунингдек, ҳар бир тизим ташқи сигнални қабул қилишда ўз ички қоидаларига таянади ва натижада ҳамкорлик ягона “*тил*”га келмайди⁴⁰. Демак, норматив белгиланишнинг ўзи етарли эмаслиги ҳамда ҳамкорликни амалда ишлатадиган *процессуал регламент* ҳам керак.

Шу ўринда, хорижий амалиёт бу борада процессуал стандартларнинг ҳал қилувчи аҳамиятини кўрсатади. Масалан, Англияда амал қиладиган “*Working Together to Safeguard*

³⁶ Рустамбоев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 1. Жиноят ва жазо. – Тошкент: Илм Зиyo, 2018. – Б. 65-67.

³⁷ Одилқориев Ҳ.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Тошкент: Шарқ, 2013 й. – Б. 210-212.

³⁸ Зарипов З.С., Исмоилов И. Криминология: Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2008. – Б. 145.

³⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2014 й., 20 (624)-сон. — **8–9-бетлар** (10-моддада ўзаро ҳамкорлик вазифаси баён этилган).

⁴⁰ Baltacı, A. “Operational Closure and Communication: Luhmannian Perspective...” **2-бет** (тизимнинг “operationally closed” хусусияти ва коммуникация чекланиши таҳлили).

Children 2023” статут йўриқномасида бола/ўсмир бўйича мурожаат (referral) келиб тушганда маҳаллий ижтимоий хизматнинг уни қабул қилиш, раҳбар томонидан қарор чиқариш ва кейинги қадамларни белгилаш муддатлари аниқ алгоритм сифатида (flow chart) берилган. Бунда *мурожаат қабул қилинади ва кейинги ҳаракат “бир иш кун” ичида белгиланади*⁴¹. Бундай ёндашув ўз-ўзидан “*ҳужжат бор*” деган формал ҳолатдан “*ижро алгоритми бор*” деган институционал кафолат даражасига ўтади.

Муаммо юзасидан таклиф! Вазирлар Маҳкамаси қарори билан “*Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи субъектларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби (регламенти)*”ни тасдиқлаш мақсадга мувофиқ. Унда декларатив нормалар эмас, балки *кейс-менежмент* тамойили асосида аниқ вазиятли алгоритмлар белгиланиши лозим. Масалан:

- *ўқувчи 3 кун сабабсиз дарс қолдирса → синф раҳбари 1 соат ичида мактаб маъмурияти/психологи ва маҳалла ёшлар етакчисига хабар беради;*
- *ёшлар етакчиси ва профилактика инспектори 24 соат ичида оилага ташириф буюради;*
- *хавф индикаторлари тасдиқланса → жамоавий иш режаси (индивидуал реабилитация/қўллаб-қувватлаш режаси) 3 кун ичида тасдиқланади;*
- *ҳар бир қадам электрон қайд этилади ва ижро муддати назоратга олинади.*

Бу регламент ҳамкорликни “*ихтиёрий келишув*”дан “*ҳуқуқий мажбуриятли процесс*”га айлантириб, вақт йўқотилишини қисқартиради ва эрта интервенция самарадорлигини оширади.

Иккинчидан, жавобгарликнинг “диффузияси” (тарқалиб кетиши) ва ҳисобдорлик бўйлиги билан боғлиқ муаммо!

Идоралараро ҳамкорликдаги иккинчи тўсиқ — бу *масъулиятнинг персоналлашмагани*. Амалиётда кўп ҳолатда жиноят/ҳуқуқбузарлик содир этилганда “*ҳамма масъул*” деган қараш “*ҳеч ким жавобгар эмас*” деган натижага айланиб қолади.

Реакция, одатда, бир субъект (*профилактика инспектори ёки мактаб раҳбарияти*) зиммасига тушади, бироқ воқеликда хатар сигналини ўз вақтида кўрмаган психолог, оила муҳитини ўрганмаган маҳалла фаоли, ижтимоий хавф омилларини баҳоламаган масъул ходим ҳам профилактика занжиридаги муҳим бўғин ҳисобланади. Жавобгарликнинг персоналлашмагани профилактикада “*жазо муқаррарлиги*” ва *ижро интизоми* тамойилларини заифлаштиради.

Криминологик ёндашувда (*ижтимоий назорат концепцияси*) ҳуқуқбузарлик кўпинча назорат занжирининг энг заиф бўғинида юзага чиқади; демак, масъулият ҳам айнан шу “*заиф бўғин*”даги ҳаракатсизлик ёки безътиборликка мувофиқ тарзда аниқланиши лозим. Акс ҳолда тизимда профилактика “*ҳисобот учун*” бажариладиган формал тадбирлар мажмуасига айланиб қолади. Шу ўринда, хорижий тажрибага назар ташласак, *Германияда* ёшлар билан ишлашда кейс-менежмент (*айниқса Jugendamt ва ҳамкор институтлар кесимида*) ижтимоий ёрдам ва назоратни индивидуаллаштиришга хизмат қилади.

Бунда ҳар бир мураккаб ҳолатда масъул ижтимоий иш/кейс юритувчи шахснинг вазифаси аниқ қўйилади ва унинг ҳаракатсизлиги тизимли таҳлил объектига айланади. Бу

⁴¹ HM Government / DfE. *Working Together to Safeguard Children 2023: statutory guidance*. — 76-бет, Flow chart 5: “A social work qualified practice supervisor or manager decides ... **within one working day.**” // <https://assets.publishing.service.gov.uk/>

амалиёт масъулиятни “лавозимга қараб” эмас, кейс бўйича реал функцияга қараб белгилаш имконини беради.

Муаммо юзасидан таклиф! Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга (ёки махсус қонунчиликка) **“Профилактика субъектлари томонидан ёшлар ёҳуд вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлик хавфи ҳақида хабар бермаслик (асоссиз кечиктириш) ёҳуд ёлгон маълумот бериш”** номли янги 47⁹-моддани киритиш таклиф этилади:

“47⁹-модда. Профилактикада хабар бериш ва ахборот алмашинуви мажбуриятини бузиш

Вояга етмаган (ўн саккиз ёшга тўлмаган) ёки ёш (14–30 ёш)лар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилиши хавфи (хавф индикаторлари) ҳақида қонунчиликда ёки тасдиқланган идоралараро ҳамкорлик регламентида белгиланган тартибда ваколатли орган(лар)га хабар бермаслик, асоссиз кечиктириб хабар бериш ёҳуд ахборот алмашинуви мажбуриятини бажармаслик —

мансабдор шахсга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик:

а) қасддан ёлгон (нотўғри) маълумот бериш,

б) ахборот алмашинувини қасддан тўсиш, маълумотни яшириш, бузиб

кўрсатиш, ёки ахборотни беришдан бўйин товлаш орқали содир этилса —

мансабдор шахсга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида:

вояга етмаган (ёш) томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этилган бўлса ёҳуд жабрланувчи келиб чиққан, саломатликка зарар етган, таълим жараёнидан узилиш, зўравонлик/эксплуатация каби оғир ижтимоий оқибатлар юзага келган бўлса, —

мансабдор шахсга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан ўн тиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади”

Мазкур норманинг диспозицияси регламентдаги аниқ муддат ва каналлар билан боғланса, жавобгарлик ҳуқуқий жиҳатдан “ўлчанадиган” бўлади: ким, қайси сигнални, қайси муддатда бермагани исботланади; натижада ҳисобдорлик тизими реал ишлайди.

Учинчидан, **ахборот алмашинувидаги “рақамли узилишлар” ва интеграцияси билан боғлиқ муаммо!**

Мазкур муаммо идоралараро ахборот алмашинувининг рақамли инфратузилмаси тўлиқ уйғун эмаслиги. Амалда электрон платформалар (масалан, ижтимоий профилактика йўналишидаги ахборот тизимлари) муайян ижобий қадам бўлса-да, улар таълим (даволат/хулқ), соғлиқни сақлаш (психологик/наркологик риск сигналлари), ижтимоий ҳимоя (оила реестри) ва ИИБ маълумотлари билан реал вақтда бирлашмаган ҳолларда профилактика субъекти хавф профилини “бутун” кўролмайди. Бу эса криминологик жиҳатдан латентликни сақлаб қолади. Бунда хавф омиллари турли идораларда “парча-парча” кўринишда қолиб кетади, комплекс риск баҳоси юзага келмайди.

Шу ўринда, хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасига назар ташласак. Хусусан, **Корея Республикасида** ёшларни ҳимоя қилиш ва хавфсизлик йўналишида кўп субъектли

ҳамкорликни бирлаштиришга қаратилган CYS-Net (Community Youth Safety-Net) каби тармоқ ёндашувлари қўлланилиб, таълим–ижтимоий хизмат–полиция–тиббиёт ресурсларини мувофиқлаштиришга урғу берилади⁴². Ушбу моделнинг асосий ғояси — ёшга оид муаммони фақат битта идоранинг “*ваколати*” сифатида эмас, балки *маълумот ва хизматлар интеграцияси* талаб қиладиган комплекс ижтимоий–ҳуқуқий кейс сифатида бошқаришдан иборат.

Муаммо юзасидан таклиф! Амалдаги электрон тизимларни (ижтимоий профилактика, ижтимоий химоя реестри, таълим ва соғлиқ базалари) ўзаро интеграция қилиш орқали “*Хавф гуруҳидаги ёшларнинг рақамли профили*” концепциясини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бироқ бу ерда шахсий маълумотларни муҳофаза қилиш бўйича қуйидаги ҳуқуқий кафолатлар шарт:

- *роль-асосли кириши (фақат “еттилик” аъзолари ўз ваколати доирасида);*
- *ҳар бир кириш/ўзгартишни логлаш ва аудит;*
- *маълумотларни минималлаштириши (фақат профилактикага дахлдор майдонлар);*
- *ҳуқуқий асос ва жавобгарлик (махфийликни бузиш учун санкциялар).*

Шунда рақамли интеграция профилактикани “қоғоз сўровлар”дан озод қилиб, хавф сигналларини ўз вақтида кўриш ва интервенцияни тезлаштиришга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, идоралараро ҳамкорликнинг амалдаги самарадорлиги айрим субъектив камчиликлар эмас, балки *учта тизимли институционал бўшлиқ* яъни, *биринчидан*, ҳамкорликнинг аниқ процессуал регламенти йўқлиги, *иккинчидан*, масъулият ва ҳисобдорликнинг персоналлашмагани, *учинчидан*, ахборот алмашинувида рақамли интеграциянинг тўлиқ таъминланмагани билан белгиланмоқда.

Шу сабабли мазкур соҳада ислохотлар йўналиши фақат субъектлар таркибини кенгайтириш ёки вазифаларни қайта тақсимлаш билан чекланмасдан, ҳамкорликни “*ижро алгоритми*” даражасида *стандартлаштириш*, *маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик орқали ҳисобдорликни кучайтириш* ҳамда *интеграциялашган рақамли профилактика профили* асосида эрта огоҳлантириш ва кейс-менежмент механизмларини жорий этишга қаратилмоғи лозим. Мазкур чоралар комплекс татбиқ этилганда, ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий табиати декларатив келишувдан чиқиб, *натижага йўналтирилган, ўлчанадиган ва назорат қилинадиган институт* сифатида шаклланади; бу эса хавф гуруҳидаги ёшларни барвақт аниқлаш, интервенция муддатларини қискартириш, такрорий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва давлат органларининг жамоат олдидаги ҳисобдорлигини амалда таъминлашга хизмат қилади.

⁴² Republic of Korea: UNICEF / CRC State Party Report materials (CYS-Net модели доирасида кўп субъектли ёшлар хавфсизлиги тармоқ ҳамкорлиги).